КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АРРА-ЧЎТКАЛИ ЦИЛИНДРНИ УЧДМ МАШИНАСИНИНГ ИШ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

О.Ш.Абдураҳмонов

А.А.Акрамов

Термиз муҳандислик-технология институти

Пахтасаноат илмий маркази АЖ

Аннотация: Мақолада УЧДМ машинаси барабанларининг ишчи фаол юзасини ошириш учун юқори камерасида арра-чўткали барабанидан фойдаланиш технологик регламент талабларига жавоб берадиган қолдиқ тукдорликдаги чигитни тайёрлаш вақтида иш унумдорлигига таъсирини ўрганиш натижалари тўғрисида гапирилади.

Калит сўзлар: Арра-чўтка, чигит, цилиндр, тукдорлик, чигит, қолдиқ, чўтка, машина.

Аннотация: В тезисе рассказывается о результатах исследования влияния использования пилно-щеточного барабана в верхней камере машины УЧДМ на производительность труда при подготовке семян с остаточной опушенности, соответствующих требованиям технологического регламента.

Калит сўзлар: Пильная щетка, семена, цилиндр, щетина, семена, остатки, щетка, машина.

УЧДМ русумли чигит туксизлантириш машинасининг юқори камерасига комбинациялашган аррали-чўткали цилиндрларни ўрнатилиб, машинанинг иш унумдорлиги ва чигитни механик шикастланишига таъсирини тажрибалар ўтказиш йўли билан аниқланди [1, 2]. Тажрибаларни ўтказиш вақтида хамма вариантлар учун бир хил дастлабки сифат кўрсаткичларига эга бўлган тукли чигитлар ишлатилди. Туксизлантириш натижасида машинадан чиқаётган чигитнинг қолдиқ тукдорлиги хамма вариантлар учун тахминан бир хил

миқдорда, яъни 0,3-0,4 % атрофида бўлиши таъминланди. Бунинг учун УЧДМ машинасидан чиқаётган туксизлантирилган чигитларни қолдиқ тукдорлиги лаборатория шароитида аниқланиб, керакли миқдордаги қолдиқ тукдорликни таъминлаш учун машинанинг пастки камерасидан чигит тушиш қувурининг кесимини ўзгартирувчи шибер ёрдамида ўрнатилди.

Бир хил иш режими ўрнатилган машинада тажрибаларни давомийлиги 30 мин. ни ташкил этди. Тажрибалар натижасида туксизлантирилган чигитлар машинанинг таг қисмига тўпланиб, унинг миқдори электрон тарозида аниқланди.

Тажриба ишлари жараёнида хамма вариантлар учун бир сифат кўрсаткичларига эга бўлган тукли чигитлардан фойдаланилди. Тажрибаларда фақатгина юқори камерада жойлашган комбинациялашган цилиндрларни иш кўрсаткичлари хисобга олинди.

Дастлабки тукли чигитларни сифат кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Дастлабки тукли чигитни сифат кўрсаткичлари

Селекцион нав	репродукция	Қолдиқ тукдорлиги, %	Механик шикастланган лиги, %	Намлиги, %
Наманган 34	R2	9,0	3,2	8,6

Ўтказилган тажрибаларни натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Комбинациялашган аррали-чўткали цилиндрни туксизлантириш машинаси УЧДМ нинг иш унумдорлигига таъсири

Комбинация-лашган цилиндрдаги чўткали дискларни	Тажрибалар тартиби	Чигитнинг дастлабки тукдорлиги, %	Туксизланти-рилган чигитни қолдиқ тукдорлиги, %	Машинани чигит бўйича иш унумдорлиги, кг/соат

диаметри, мм				
230	1	9,0	0,32	542
	2	9,0	0,4	558
	3	9,0	0,36	546
Ўртачаси		**9,0**	**0,36**	**548,6**
235	1	9,0	0,32	568
	2	9,0	0,38	573
	3	9,0	0,35	576
Ўртачаси		**9,0**	**0,35**	**572,3**
240	1	9,0	0,38	538
	2	9,0	0,3	542
	3	9,0	0,35	530
Ўртачаси		**9,0**	**0,34**	**536,6**

2-жадвалда келтирилган тажрибалар натижаларидан кўриниб турибдики, такомиллаштирилган УЧДМ машинасида комбинациялашган аррали-чўткали цилиндрлардан фойдаланиб қолдиқ тукдорлик бўйича O`zDSt 663-2017 [3] талабларига тўлиқ жавоб берадиган холатда ростланиб ишлатилганида комбинациялашган аррали-чўткали цилиндрлардаги чўткали дискларни диаметрига боғлиқ равишда машинанинг чигит бўйича иш унумдорликлари вариантлар бўйича фарқ қилмоқда. Комбинациялашган аррали-чўткали цилиндрлардаги чўткали дискларни диаметри 240 мм га тенг бўлганида машинанинг чигит бўйича иш унумдорлиги 536,6 кг/соатга тенг бўлган бўлса, диаметрни 235 мм гача камайишида машинанинг чигит бўйича иш унумдорлиги 572,3 кг/соатгача ошганини кўришимиз мумкин. Цилиндрдаги чўткали дискни диаметри янада камайганида, яъни 230 мм га тенг бўлганида машинанинг чигит бўйича иш унумдорлиги 235 мм га тенг бўлган вариантга нисбатан камайиши аниқланди. Демак комбинациялашган арра-металл чўткали барабанлардаги металл чўткаларни мақбул диаметрини 235 мм га тенг деб олишимиз мумкин экан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Патент на полезную модель. Делинтер. №FAP 01690. Зарегистр. 18.08.2021.

2. О.Ш.Абдураҳмонов, А.А.Акрамов. “Соҳа корхоналари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда миллий ва хорижий тажрибалар” мавзусидаги анжуман тўплами. Тошкент-2022.

3. O`zDSt 663-2017 Семена хлопчатника посевные. Агенства “Узстандарт” 23.02.2017